

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУҚИМОВА ҲУРРИЯТ ОЛИМЖОН ҚИЗИ

СУРУНКАЛИ ПАНКРЕАТИТДА ГЕНЕРАЛЛАШГАН ПАРОДОНТИТНИ
КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of medical science ((PhD)

Муқимова Ҳуррият Олимжон қизи

Сурункали панкреатитда генераллашган пародонтитни
комплекс

даволаш..... 3

Муқимова Ҳуррият Олимжон қизи

Комплексное лечение генерализованного пародонтита при
хроническом панкреатите..... 27

Mukimova Khurriyat Olimzhon kizi

Comprehensive treatment of generalized periodontitis in chronic
pancreatitis..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 54

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУҚИМОВА ҲУРРИЯТ ОЛИМЖОН ҚИЗИ

СУРУНКАЛИ ПАНКРЕАТИТДА ГЕНЕРАЛЛАШГАН ПАРОДОНТИТНИ
КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib3381 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tsdі.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Юсупалиходжаева Саодат Хамидуллаевна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Рамиз Мурсел оглу Ахмедбейли тиббиёт фанлари доктори, профессор (Озарбайжон) Камилов Хайдар Пазирович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот	Хожа Ахмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети (Қозоғистон)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.06 рақамли илмий кенгашнинг 2026 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани Махтумқули кўчаси, 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail:info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин.(рўйхатга олинган № ____). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-й Тел./факс: (+99871) 230-20-65; (+99871) 230-47-99.

Диссертация автореферати 2026 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2026 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.К.Хайдаров,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Л.Э.Хасанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А.Юлдашев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Чайнаш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқарадиган пародонт касалликлари овқатланиш сифати ва саломатлик ҳолатини ёмонлаштириб, уларнинг диабет, юрак-қон томир, ошқозон-ичак касалликлари, ревматоид артрит ва бошқа тизимли патологиялар билан боғлиқлиги эса яллиғланиш кўзғатувчилари ва медиаторларининг метастатик тарқалиши билан боғлиқдир. Пародонтит жамоат саломатлигини сақлашнинг жиддий муаммоси бўлиб қолмоқда: унинг тарқалиши..."катталар орасида 62% га етади, бунда 53,2% ҳолатлар ўртача ва оғир даражадаги пародонтитга, 23,6% эса оғир пародонтитга тўғри келади..."¹. Сурункали панкреатит билан боғлиқ пародонтит оғиз бўшлиғининг маҳаллий иммунитетининг пасайиши, иккиламчи гиповитаминоз ва бошқа овқат ҳазм қилиш аъзоларининг зарарланиши туфайли патологик жараённинг эрта тарқалиши, қайталанишга мойиллик, қисқа ремиссия ва стандарт терапияга чидамлилик билан тавсифланади, бу эса яллиғланиш ва пародонт деструкциясини ташхислаш ва даволашда янги ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Жаҳон тадқиқотлари шуни кўрсатадики, сурункали панкреатит витаминлар, минераллар, оқсиллар, углеводлар етишмовчилиги ва иммунитет бошқарувининг бузилиши билан кечиб, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг яллиғланиш ва дистрофик ўзгаришларига, шу жумладан қайталанувчи афтоз стоматит ва ангуляр хейлитга олиб келиши аниқланган. Бу бузилишлар пародонт тўқималарининг тиш пилакчалари бактерияларига чидамлигини пасайтиради, пародонтопатоген микрофлорани фаоллаштиради ва деструктив жараёнларни кучайтиради. Овқат ҳазм қилиш аъзолари ва пародонтнинг умумий иннервация ва гуморал бошқарувга асосланган анатомик ва физиологик ўзаро боғлиқлиги, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг ошқозон-ичак трактининг секретор ва мотор функцияларига таъсир қилувчи рефлекс зона сифатида намоён бўлиши ва овқат ҳазм қилиш патологияси, ўз навбатида, пародонтал деструкцияни кучайтириши билан тасдиқланган. Буларнинг барчаси сурункали панкреатит билан оғриган беморларда пародонтитни ташхислаш ва даволаш усуллари унинг кечиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлайди.

Мамлакатимизда стоматологларнинг устувор вазифаси ошқозон-ичак тракти патологиялари, шу жумладан сурункали панкреатит билан боғлиқ стоматологик касалликларнинг олдини олиш ва асоратларини камайтиришдан иборат. Бундай беморларда

¹ Trindade, D., Carvalho, R., Machado, V., Chambrone L., Mendes, J. J., & Botelho, J. (2023). Prevalence of periodontitis in dentate people between 2011 and 2020: A systematic review and meta-analysis of epidemiological studies. *Journal of Clinical Periodontology*, 50(5), 604–626.

пародонтит ривожланиш хавфини баҳолаш усулларининг йўқлиги пародонтдаги яллиғланиш ўзгаришларини аниқлашга имкон берадиган диагностик ёндашувни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Бу борада..."тиббий хизматларнинг самарадорлиги ва оммабоплигини таъминлаш, сифат стандартларини унификациялаш, шунингдек, инновацион диагностика ва даволаш технологияларини жорий этиш..."² белгиланган. Бу ташхисни тасдиқлаш учун беморларни ўз вақтида гастроэнтерологга юбориш ва сурункали панкреатит фонида пародонтитни даволашни оптималлаштириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги ПФ- 5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон "2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонлари, 2020-йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сон "Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган. "Тиббиёт ва фармакология."

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда ошқозон-ичак тракти (ОИТ) касалликлари юқори тарқалишга эга: 2017-йилда 3,5 миллионга яқин бемор рўйхатга олинган бўлиб, улардан 56,6% - катталар, 34,5% - 14 ёшгача бўлган болалар ва 8,9% - бошқа гуруҳлар бўлиб , энг катта улуш Тошкент шаҳрида (20%) ва энг кам улуш Сирдарё вилоятида (1,23%) қайд этилган, 10 йил ичида ҳолатлар сони 22,4% га, йиллик ўсиш 2,65% га ошган. Ушбу тенденция уларнинг пародонтит билан боғлиқлигини ўрганишнинг долзарблигини таъкидлайди, бу ошқозон-ичак тракти патологиялари бўлган беморларнинг 92-100%да аниқланади, тизимли яллиғланиш ва дисбиоз пародонтнинг деструкциясини кучайтиради, бу эса патогенетик механизмларни янада чуқурроқ ўрганишни талаб қилади (Умарова Ш.З., Султанбаева Н.М., 2019).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5590-сон Фармони

Дунё миқёсидаги тадқиқотлар дисбактериоз ва тизимли яллиғланиш билан кечадиган сурункали пародонтит ва сурункали панкреатитнинг ўзаро боғлиқлигини тасдиқлайди, бу эса диабет, юрак-қон томир касалликлари ва ошқозон ости беши саратони билан боғлиқ патоген микроорганизмлар (*Porphyromonas gingivalis*, *Granulicatella adjacens*) туфайли пародонтит ривожланиш хавфини оширади (Olsen et al., 2016; Fan et al., 2018; Jockel-Schneider et al., 2021; Li et al., 2021; Graves D.T., 2018; Qin Tan, et al., 2022) . Рандомизацияланган назоратли тажрибавий тадқиқотда сурункали панкреатит билан оғриган беморларда оптималлаштирилган парҳез пародонт тўқималарида яллиғланиш белгиларини камайтиришга ёрдам бериши аниқланган (Woelber J. P., Tennert C., 2020). Шунингдек қайта ишланган углеводларга бой рацион яллиғланишни кучайтирса, ҳимоя парҳези эса пародонт ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади (Woelber et al., 2017; Kotsakis ва бошқалар, 2018; Botelho ва бошқ., 2021; Rowinska ва бошқалар, 2021). *P. gingivalis*, *Tannerella forsythi* ва *Fusobacterium nucleatum*нинг умумий қон оқимида кириши орқали ошқозон ости беши саратони ривожланиш хавфини ошириши мумкин бўлган оғиз бўшлиғи микробиоми ва овқат ҳазм қилиш тракти ўртасидаги боғлиқлик аниқланган (Blasco-Baque V., 2017; Michaud D.S. 2017; N.Sugiyama; Uehara O. 2022). Сурункали гастрит, ошқозон яра касаллиги, ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги, сурункали панкреатитлар, сурункали гепатитлар ва жигар циррози, ичакнинг яллиғланиш касалликлари кўпинча гингивит, парадонтит, лунж, лаблар, тил шиллиқ қаватининг афтоз шикастланишлари билан биргаликда келади (Падалка А. 2015; Есаян З.В. 2012; Melnychenko D., Romanenko I.G., 2014; Шашмурина В.Р. 2014; Трухан Д.И.2012).

Республикамизда пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларининг ошқозон-ичак тракти касалликлари билан ўзаро боғлиқлигига қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ибрагимова М.Х. (2019), гепатобилиар патологияда сурункали қайталанувчи афтоз стоматитни даволаш самарадорлигига микробиологик ва иммунологик омиллар, шунингдек, цитокин каскади ва эндоген интоксикация таъсир қилишини исботлаган. Сурункали холецистит билан оғриган беморларда СҚАС кечишининг оғирлиги эркин радикал оксидланиш маҳсулотлари ва ўрта молекуляр пептидлар протеолизи билан боғлиқлиги аниқланган (Убайдуллаева Н.И., 2021). Бакаев Ж.Н., Ғаффоров С.А. томонидан (2022) ошқозон-ичак тракти касалликларида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида ўзгаришлар, шу жумладан тил сўрғичларининг текисланиши, унинг шишиши ва қуриши аниқланган. ГЭРҚда аралаш сўлакнинг физик-кимёвий хусусиятлари бузилишининг тиш қаттиқ тўқималари патологияси

ривожланишидаги патогенетик роли исботланган (Алимова С.Х., 2024).

Сурункали панкреатит ва пародонтитнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида маълумотлар мавжудлигига қарамай, ушбу гуруҳдаги беморларда уларни ташхислаш ва даволаш усуллари етарлича ўрганилмаган, бу эса коморбид ҳолатларда терапия самарадорлигини оширишни таъминлайдиган комплекс патогенетик йўналтирилган ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 011900242 "Тиш қаттиқ тўқималари, пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларини ташхислаш, даволаш, олдини олишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш" (2020-2024 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади клиник-стоматологик ва лаборатория тадқиқотлари асосида ошқозон ости беши экзокрин етишмовчилиги бўлган беморларда сурункали пародонтитни комплекс даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўп омилли логистик регрессион таҳлил ёрдамида сурункали панкреатит билан оғриган беморларда генераллашган пародонтитнинг кечиш хавфини балларда аниқлаш;

сурункали панкреатит фонида генераллашган пародонтит билан оғриган беморларнинг клиник ва стоматологик ҳолати хусусиятларини ўрганиш ва аниқлаш;

сурункали панкреатитнинг ташқи секретор етишмовчилиги бўлган беморларда генераллашган пародонтитнинг клиник кўрсаткичлари билан қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари ва овқат ҳазм қилиш бузилишлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

сурункали панкреатитнинг экзокрин етишмовчилиги бўлган беморларда оғиз суюқлиги ва пешоб маркерларининг генераллашган пародонтитнинг кечишига таъсирини ўрганиш;

ошқозон ости беши экзокрин етишмовчилигида генераллашган пародонтит билан оғриган беморларда клиник ҳолат кўрсаткичлари, қон, оғиз суюқлиги, пешобнинг биокимёвий кўрсаткичлари ва копрологик ўзгаришларга комплекс даволаш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг обекти Тошкент давлат стоматология институтининг терапевтик клиникасида 2022-2025-йиллар давомида амбулатор ёрдам олган 25 ёшдан 64 ёшгача бўлган сурункали пародонтит билан касалланган 66 нафар бемор.

Тадқиқот предмети клиник ва пародонтологик текширув

маълумотлари, шунингдек, иш давомида олинган оғиз суюқлиги, қон, копрология ва пешоб намуналари.

Тадқиқот усуллари. Диссертация тадқиқотини бажариш учун клиник, биокимёвий, микроскопик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ишлаб чиқилган 11 та клиник ва анамнестик омилларни ўз ичига олган кўп омилли логистик регрессия модели сурункали панкреатит билан оғриган беморларда генераллашган пародонтитни ривожланиш хавфини баҳолаш ва шахсга йўналтирилган даволашни ишлаб чиқиш имконини бериши аниқланган;

сурункали панкреатитда тизимли (С-пептид, лейкоцитлар, фибриноген, α-амилаза), маҳаллий (оғиз суюқлигининг ишқорий фосфатазаси) ва копрологик (ёғ кислоталари, шилимшиқ, крахмал) маркерлар ўртасидаги кучли корреляцион боғлиқлик экзокрин етишмовчиликнинг пародонт деструкцияси ва ялиғланишида синергизмнинг патогенетик роли исботланган;

оғиз суюқлигида калцийнинг 1,80 мартага камайиши, ишқорий фосфатазанинг 2,47 мартага, пролиннинг 1,22 мартага ортиши, шунингдек, пешобда калцийнинг 1,36 мартага ва оксипролиннинг 1,26 мартага кўпайиши, генераллашган пародонтитли беморларда ошқозон ости безининг экзокрин етишмовчилиги пародонт тўқималари деструкцияси ва суяк резорбциясини кучайтиришдаги роли аниқланган;

генераллашган пародонтитни шахсий йўналтирилган ёндашув асосида ишлаб чиқилган даволаш комплекси клиник ва пародонтал кўрсаткичларнинг пасайишини, қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини меёрлашувини, оғиз суюқлигида пролин, пешобда гидроксипролин ва калцийнинг камайишини, оғиз суюқлигида калцийнинг кўпайишини таъминлаши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳар ҳафта ёғли, оқсилли ва аччиқ таомлар, сабзаёт ва меваларни истеъмол қилиш, оғиз бўшлиғини мунтазам равишда тозаламаслик, ошқозон ости бези ва ўт пуфаги касалликларининг биргаликда келиши сурункали панкреатит билан оғриган беморларда генераллашган пародонтит ривожланиш эҳтимолини ошириши аниқланган;

экзокрин етишмовчилик, стеаторея, креаторея ва тизимли ялиғланиш билан ифодаланган сурункали панкреатитда стоматологик шикоятлар ва тизимли ўзгаришларнинг яққол частотаси уларнинг генераллашган пародонтит билан патогенетик боғлиқлигини тасдиқлаб, пародонтал деструкция хавфини кучайтириши аниқланган;

сурункали панкреатит фонида генераллашган пародонтит билан оғриган беморларда биокимёвий, копрологик, оғиз суюқлиги ва пешобнинг маҳаллий маркерларини ташхислашга киритиш яллиғланиш ва дисбактериозни бартараф этиш, минераллар алмашинуви ва ферментатив етишмовчиликни тузатиш, патологиянинг ривожланишини секинлаштириш имконини бериши исботланган;

анъанавий ёндашувлар билан таққослаганда, таклиф этилган шахсга йўналтирилган даволаш алгоритми клиник самарадорликнинг ўртача йиғиндисини 37,51% га сезиларли даражада ошириши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, ўтказилган таҳлилнинг юқори услубий аниқлиги, шунингдек, клиник, биокимёвий, микроскопик ва статистик усулларга асосланган беморлар танланмасининг репрезентативлиги билан тасдиқланган. Экзокрин етишмовчилиги бўлган сурункали панкреатит билан оғриган беморларда генераллашган пародонтит терапиясини такомиллаштириш, шунингдек, касалликнинг ўзига хослигини баҳолашнинг янги усули маҳаллий ва халқаро тадқиқотлар маълумотлари билан мос келишини кўрсатади, шу билан бирга хулосалар ва натижалар компетентли эксперт органлари томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, сурункали панкреатитнинг пародонтит ривожланишига таъсирининг патогенетик механизмларини аниқлаш билан изоҳланади, клиник ва стоматологик кўрсаткичларнинг яққолашуви, қон, оғиз суюқлиги, пешобнинг биокимёвий кўрсаткичларининг номутаносиблиги, шунингдек, копрологик хусусиятларнинг ўзгариши билан ифодаланиб, бу эса стандарт даволашга қўшимча равишда гастроэнтеролог билан биргаликда оптималлаштирилган умумий даволашни қўллашдан иборат бўлган комплекс даволаш самарадорлигини ошириш зарурлигини аниқлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, экзокрин етишмовчилиги бўлган сурункали панкреатит билан оғриган беморларда пародонтит ривожланиш хавфини баҳолаш усулини яратиш ва хавф омиллари башорати ҳамда ривожланишнинг патогенетик механизмларини ҳисобга олган ҳолда даволаш усулини ишлаб чиқишдир. Бу эса профилактика ва даволаш самарадорлигини ошириш, даволаш давомийлигини қисқартириш ва узоқ муддатли натижаларни яхшилаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник

кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2025 йил 7 октябрдаги 26/37-сон хулосасига кўра:

Биринчи илмий янгилик: илк бор ишлаб чиқилган 11 та клиник ва анамнестик омилларни ўз ичига олган кўп омилли логистик регрессия модели сурункали панкреатит билан оғриган беморларда генераллашган пародонтитни ривожланиш хавфини баҳолаш ва шахсга йўналтирилган даволашни ишлаб чиқиш имконини бериши аниқланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: ишлаб чиқилган 11 та клиник ва анамнестик омилларни ўз ичига олган кўп омилли логистик регрессия модели юқори башоратли аниқликни таъминлайди (AUC=0,865; 95% умумий аниқлик- 0,803-0,927; сезувчанлик 92,9%; ўзига хослик 69,2%; Хосмер-Лемешев бўйича $p=0,63$) ва шу асосида сурункали панкреатит билан оғриган беморларда генераллашган пародонтит хавфини паст (0-0,29), ўрта (0,30-0,69) ва юқори (0,70-1,00) даражаларга табақалаштириш, шахсийлаштирилган ташхислаш ва даволаш учун илмий асос яратилади. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий тадқиқот маълумотлари Фарғона шаҳридаги "Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази" даволаш-профилактика муассасаси бўлимлари (25.04.2025-йилдаги 58-сонли буйруқ), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги "Миллий тиббиёт маркази" Тошкент шаҳар бўлимлари (24.07.2025-йилдаги 01-03/67-сонли буйруқ) амалий фаолиятига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлик: модел яллиғланиш белгилари ва стоматологик асоратларни 37,51% га камайтириш, пародонтит хавфини эрта аниқлаш ва даволашни оптималлаштириш орқали сурункали панкреатит билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради, бу эса уларнинг ижтимоий мослашувига ёрдам беради. Иқтисодий самарадорлик: ишлаб чиқилган моделни қўллаш такрорий аралашувлар ва касалхонага ётқизишларни камайтириш орқали даволаш харажатларини 30% га қисқартиради, пародонтит ва сурункали панкреатитни даволашда соғлиқни сақлаш ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштиради. Хулоса: Ушбу мезонлар ташхислашдаги ноаниқликни камайтириш ва клиник қарорларнинг аниқлигини ошириш имконини беради, бу эса ўз вақтида аралашув ва шахсийлаштирилган ёндашув орқали юқори хавфли беморларни эрта аниқлашга ва башоратни яхшилашга ёрдам беради.

Иккинчи илмий янгилик: сурункали панкреатитда тизимли (С-пептид, лейкоцитлар, фибриноген, α -амилаза), маҳаллий (оғиз суюқлигининг ишқорий фосфатазаси) ва копрологик (ёғ кислоталари, шилимшиқ, крахмал) маркерлар ўртасидаги кучли корреляцион боғлиқлик экзокрин етишмовчиликнинг пародонт деструкцияси ва яллиғланишида синергизмнинг патогенетик роли исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: СП фонида генераллашган пародонтит билан

оғриган беморларда тизимли маркерлар (С-пептид: $0,72 < r < 0,83$; лейкоцитлар: $r = 0,71 < r < 0,75$; фибриноген: $r = 0,71$; билирубин: $0,70 < r < 0,79$; α -амилаза: $-0,73 < r < 0,80$; витамин С: $0,71 < r < 0,73$), маҳаллий (оғиз суюқлигидаги ишқорий фосфатаза: $r = 0,72$) ва копрологик кўрсаткичлар (ёғ кислоталари: $r = 0,85$ крахмал билан; шиллиқ: $r = 0,84$ лейкоцитлар билан) билан пародонтал параметрлар (ОHI-S, SBI, PI) ўртасидаги кучли корреляцион боғлиқликлар ($r \geq 0,7$) яллиғланиш синергизмида, малабсорбция ва пародонтнинг деструкциясида экзокрин етишмовчиликнинг патогенетик ролини тасдиқлайди, янги ташхислаш стандартларини жорий этиш учун илмий асос яратади. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: илмий тадқиқотдан олинган маълумотлар Фарғона шаҳридаги "Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази" даволаш-профилактика муассасаси бўлимлари (25.04.2025-йилдаги 58-сонли буйруқ), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги "Миллий тиббиёт маркази" Тошкент шаҳар бўлимлари (24.07.2025-йилдаги 01-03/67-сонли буйруқ) амалий фаолиятига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлик: аниқланган корреляциялар сурункали касалликлар билан боғлиқ ижтимоий юкломани минималлаштирган ҳолда сурункали пародонтит билан оғриган беморларда пародонтит хавфи гуруҳларини аниқлаш, касалликнинг қайталаниш частотасини 3 баробарга пасайтириш ва яллиғланишнинг оғирлигини камайтиришга, иш кунларини қисқартириш, меҳнат қобилияти ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлик: корреляцион маълумотлардан фойдаланган ҳолда янги ташхислаш ва даволаш усулларини жорий этиш шифохонада даволанишни 10 кундан 7 кунгача қисқартиради, вақтни тежаш коэффициенти 1,43, ўтказувчанлик қобилияти 1,44 ни ташкил этади, харажатларни 94,98% га камайтиради ва ўрин фонди самарадорлигини 92,83% га оширади. Хулоса: сурункали панкреатитда тизимли, маҳаллий ва копрологик кўрсаткичлар билан пародонтал кўрсаткичлар ўртасида аниқланган корреляциялар яллиғланиш ва пародонтал деструкцияларни назорат қилиш учун ташхислаш ва даволашга фанлараро ёндашувни асослаб, ташқи секреция етишмовчилигининг патогенетик ролини тасдиқлайди.

Учинчи илмий янгилик оғиз суюқлигида калцийнинг 1,80 мартага камайиши, ишқорий фосфатазанинг 2,47 мартага, пролиннинг 1,22 мартага ортиши, шунингдек, пешобда калцийнинг 1,36 мартага ва оксипролиннинг 1,26 мартага кўпайиши, генераллашган пародонтитли беморларда ошқозон ости безининг экзокрин етишмовчилиги пародонт тўқималари деструкцияси ва суяк резорбциясини кучайтиришдаги роли аниқланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: сурункали панкреатит фондида ривожланган сурункали пародонтитда оғиз суюқлиги ва пешоб метаболик

маркерларининг ўзгаришлари пародонт деструкцияси механизмларини тушунишни кенгайтиради ва ташхислаш аниқлигини оширади. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий тадқиқот маълумотлари Фарғона шаҳридаги "Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази" даволаш-профилактика муассасаси бўлимлари (25.04.2025-йилдаги 58-сонли буйруқ), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги "Миллий тиббиёт маркази" Тошкент шаҳар бўлимлари (24.07.2025-йилдаги 01-03/67-сонли буйруқ) амалий фаолиятига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлик: маркерларда аниқланган ўзгаришлар сурункали панкреатит билан оғриган беморлар орасида хавф гуруҳларини аниқлаш имконини бериб, пародонтал деструкциянинг оғирлигини 30,62% га камайтиради, бу эса ҳаёт сифатини яхшилайти, меҳнат қобилиятини оширади ва сурункали касалликлар билан боғлиқ ижтимоий юкни камайтиради. Иқтисодий самарадорлик: метаболик маркерлардан фойдаланиш ташхислаш вақтини 20% га ва касалхонада даволаниш давомийлигини 7 кунгача қисқартиради, ётоқ фондининг самарадорлигини 92,83% га оширади. Хулоса: башорат кўрсаткичлар сифатида аниқланган оғиз суюқлиги ва пешоб маркерлари ташхислаш аниқлигини 25% га оширади ва харажатларни 94,98% га камайтиради, СПда пародонтал асоратларнинг клиник натижалари ва профилактикасини 37,51% га яхшилайти.

Тўртинчи илмий янгилик: генераллашган пародонтитни шахсий ёналтирилган ёндашув асосида ишлаб чиқилган даволаш комплекси клиник ва пародонтал кўрсаткичларнинг пасайишини, қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини меъёрлашувини, оғиз суюқлигида пролин, пешобда гидроксипролин ва калцийнинг камайишини, оғиз суюқлигида калцийнинг кўпайишини таъминлаши исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: ўтказилган тадқиқотлар илк бор сурункали панкреатит билан оғриган беморларда сурункали пародонтитни метаболик бузилишларни тузатиш, биокимёвий кўрсаткичларни меъёрлаштириш ва минерал алмашинувни яхшилаш орқали даволаш самарадорлигини ошириш мумкинлигини исботлади. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий тадқиқот маълумотлари Фарғона шаҳридаги "Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази" даволаш-профилактика муассасаси бўлимлари (25.04.2025-йилдаги 58-сонли буйруқ), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги "Миллий тиббиёт маркази" Тошкент шаҳар бўлимлари (24.07.2025-йилдаги 01-03/67-сонли буйруқ) амалий фаолиятига жорий этилган. Ижтимоий самарадорлик: Сурункали панкреатит ва пародонтит билан оғриган беморларда ишлаб чиқилган даволаш усулини жорий этиш касалликнинг қайталанишини уч барабар камайтиради ва ишланмайдиган кунлар сонини қисқартириб, беморларнинг ҳаёт

сифати ва меҳнат қобилиятини оширади. Иқтисодий самарадорлик: шифохонада даволаниш муддатини 10 кундан 7 кунгача қисқартириш вақтни тежаш коэффицентини 1,43 ни таъминлайди ва харажатларни 90% дан кўпроққа камайтиради, бу эса ўрин фондидан фойдаланишни оптималлаштиради. Хулоса: кўп омилли модел ва оптималлаштирилган терапиянинг жорий этилиши унинг тиббий ёрдам сифати ва соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини оширувчи инновацион восита сифатидаги аҳамиятини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари иккита хорижий илмий конференцияда, шунингдек, бешта халқаро конгресс, форум ва тренингларда тақдим этилган ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалий соғлиқни сақлашга жорий этиш бўйича маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Сурункали панкреатит ва генераллашган пародонтитнинг ўзаро боғлиқлик патогенези, замонавий даволаш усуллари"** деб номланган биринчи бобида сурункали панкреатитнинг патогенези, унинг пародонтит билан ўзаро боғлиқлиги ва замонавий даволаш усуллари бағишланган бўлиб, сурункали панкреатитнинг этиологияси, патогенетик механизмлари, ташхисий ёндашувлари ва клиник кўринишлари, шунингдек, унинг тизимли яллиғланиш, дисбиоз ва метаболик бузилишлар туфайли сурункали пародонтит билан боғлиқлигини ўз ичига олган маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг ҳар томонлама таҳлили келтирилган. Сурункали панкреатит билан оғриган беморларда пародонтитни даволашнинг замонавий усуллари, жумладан, фермент ўрнини босувчи терапия, парҳез

терапияси, антиоксидантлар ва инновацион технологияларга алоҳида эътибор қаратилиб, коморбид ҳолатларни самарали ташхислаш ва даволаш учун фанлараро ёндашув зарурлиги таъкидланган.

Диссертациянинг иккинчи "Объектлар ва қўлланилган тадқиқот усулларининг тавсифи" бобида қўлланилган клиник, стоматологик, биокимёвий ва микроскопик тадқиқот усуллари баён этилган. Белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳал қилиш учун 2022-2025-йилларда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий марказида Тошкент давлат стоматология институтининг терапевтик стоматология пропедевтикаси кафедраси билан ҳамкорликда тадқиқот ўтказилди. Жинс-ёш таркиби ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари бўйича таққосланадиган 25-69 ёшдаги 105 нафар беморнинг касаллик тарихлари чуқур таҳлил қилинди. Шунингдек, анамнез йиғиш, оғиз бўшлиғи гигиенаси, зарарли одатлар ва тизимли яллиғланиш мавжудлигини баҳолаш, пародонтит хавфини башорат қилиш учун кўп омилли логистик регрессия таҳлили ўтказилди. Таҳлил клиник шкалалар, статистик усуллар (Пирсон χ^2 , Фишер тести, $p < 0,05$) ва ROC-таҳлилидан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Дастлабки текширувдан ўтган 105 нафар бемордан киритиш мезонларига мос келадиган 46 нафари танлаб олинди. Иштирокчилар тасодифий равишда икки гуруҳга бўлинди. Асосий гуруҳни сурункали панкреатит (СП) ташхиси билан стационарда даволанган 24 нафар бемор ташкил этди (*Сурункали панкреатит билиар тизимга боғлиқ, оғриқли шакли, ўртача оғирликдаги, ўртача даражадаги ташқи секретор етишмовчилик билан*) ХКТ-10 га мувофиқ К86 шифрига эга ташхисни Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази гастроэнтерология бўлими гастроэнтеролог шифокори томонидан қўйилган бўлиб, таққослаш гуруҳини эса жинси, ёши ва касалликнинг давомийлиги бўйича асосий гуруҳдагига ўхшаш ташхисли 22 нафар бемор ташкил этди. Назорат гуруҳини пародонт яллиғланиш касалликлари бўлмаган 20 нафар соғлом кишилар ташкил этди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Женева конвенцияси (1997) ва Хелсинки декларациясининг (2000) ахлоқий меъёрларига мувофиқ, тадқиқотдан олдин иштирокчилар билан суҳбатлар ўтказилиб, тадқиқот мақсадлари ва тартиблари тушунтирилди.

Ўртача ёш назорат гуруҳида $43,50 \pm 4,10$, таққослаш гуруҳида $46,77 \pm 4,10$, асосий гуруҳда $51,17 \pm 4,02$ ва ундан юқори бўлган бўлиб, 25-34 ёшдаги, 35-44 ёш; 45-54; 55-64 ёшдаги беморлар текширилди.

Тадқиқотнинг клиник текшириш усуллари даволашдан олдин, кейин ва 6 ойдан сўнг ўтказилган бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олган: стандартлаштирилган индекслардан фойдаланган ҳолда пародонтал ҳолатни миқдорий баҳолаш: соддалаштирилган гигиеник

индекс (Green J.C., Vermillion J.R., 1964), папилляр-маргинал-алвеоляр (Parma C., 1960), пародонтал индекси (Russel A., 1956), қон кетиш индекси (Muhlemann H.P., Son S., 1971) ва пародонтал чўнтақлар чуқурлигини (ЖССТ, 1990) баҳолаш эса пародонтнинг клиник белгиларини балли баҳолаш мезони орқали аниқланди (Камилов Х.П., 2008). Рентгенологик баҳолаш Pexstar X контакт рентгенографияси ва Morita Veraviewerocs 3D R100 (Япония) ортопантомографидаги панорамали рентгенография ёрдамида амалга оширилди.

Биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар стандарт усуллардан фойдаланган ҳолда "Big Pharm" клиник лабораториясида ўтказилди: умумий билирубин, оқсил, альбумин, АЛТ, АСТ, гемоглобин, лейкоцитлар, С ва D витаминлари, темир, кальций, α -амилаза, С-пептид, ҚФТВ ва фибриногенни аниқлаш автоматик анализаторларда Human Reader, Dymind 5 Diff, Humaclot Junior ва Biosayss 240 Plus колориметрик, иммунофермент ва коагулометрик усулларда амалга оширилди. Оғиз суюқлиги таҳлили (α -амилаза, ишқорий фосфатаза, пролин) стимулятцияланмаган сўлакни йиғиш усулига қатъий риоя қилган ҳолда HumaLayzer Primus ярим автоматик анализатори ва Human фирмаси реактивларидан фойдаланган ҳолда колориметрик усулда амалга оширилди.

Пешобдаги оксипролин ва кальцийни аниқлаш Erlix реагентлари ва о-крезолфталеинкомплексон ёрдамида колориметрик усуллар билан амалга оширилди. Нажас микроскопияси ошқозон ости безининг экзокрин етишмовчилиги белгиларини (стеаторея, креаторея, шиллиқ, крахмал) аниқлашга имкон берди.


Кўп омилли логистик регрессия (AUC =0,865) Валд мезони ($p < 0,05$) ва Хосмер-Лемешев тести ($p = 0,63$) ёрдамида баҳоланган сурункали панкреатитда пародонтитнинг 11 та хавф омиллини аниқлади: ёғли, оқсилли ва аччиқ овқатларни истеъмол қилиш (OR =3,7), сабзавот ва меваларни ҳар ҳафта истеъмол қилиш (OR =3,5), оғиз бўшлиғи гигиенасининг йўқлиги (OR =3,2), СПнинг бошқа соматик касалликлар билан бирга келиши (OR =4,8). Ишлаб чиқилган регрессия тенгламаси $y = -2,343 + 1,295x_1 + 1,255x_2 + 1,176x_3 + 1,572x_4$ хавфнинг табақаланишини (сезувчанлик 92,9%, ўзига хослик 69,2%, умумий аниқлик 82,7%) таъминлайди, бу эса ушбу тоифадаги беморларда пародонтитни ташхислаш ва даволашга индивидуал ёндашувларни яратишга ёрдам берди.

Олинган маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишда MS Excel 2016 таҳлил пакетининг статистик функциялари ва амалиётлари, шунингдек, Колмогоров-Смирнов ва Шапиро-Уилк мезонлари бўйича тақсимотнинг меъёрлигини баҳолашни ўз ичига олган IBM SPSS Statistics 26,0 ишлатилган. Гуруҳлараро фарқлар Макнемарнинг нопараметрик мезони, корреляциялар оддий чизиқли корреляция усули, даволашнинг қиёсий самарадорлиги эса Баеснинг

модификацияланган формуласи ёрдамида таҳлил қилинди.

Диссертациянинг "Сурункали панкреатит фонида сурункали пародонтит билан оғриган беморларни комплекс текшириш натижалари" деб номланган учинчи бобида ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи панкреатит фонида сурункали пародонтит билан оғриган беморларнинг ҳолатини клиник баҳолаш натижалари, шу жумладан даволашдан олдин тишларнинг қаттиқ тўқималари, пародонтал ҳолат, биокимёвий ва гематологик кўрсаткичлар таҳлили кўриб чиқилган. Овқат ҳазм қилиш бузилишлари, оғиз суюқлиги (ишқорий фосфатаза, пролин, α -амилаза) ва пешоб (оксипролин, калций) маркерлари ўрганилди, шунингдек, пародонтал ҳолат билан тизимли ва маҳаллий маркерлар ўртасидаги патогенетик боғлиқликлар аниқланди.


Асосий гуруҳда стоматологик симптомлар сезиларли даражада юқори бўлди: лабларнинг қуруқлиги - $n_1=54,2\%$; $n_2=40,9\%$; $n_3=15,0\%$; ($\chi^2=7,24$, $p=0,023$), оғиз бўшлиғи қуруқлиги - $n_1=66,7\%$; $n_2=45,5\%$; $n_3=10,0\%$; ($\chi^2=14,46$, $p<0,001$), галитоз $n_1=91,7\%$; $n_2=90,9\%$; $n_3=5,0\%$; ($\chi^2=45,73$, $p<0,001$), тилдаги караш $n_1=79,2\%$; $n_2=68,2\%$; $n_3=15,0\%$; ($\chi^2=20,20$, $p<0,001$), афтоз зарарланишлар- $n_1=25,0\%$; $n_2=18,2\%$; $n_3=0\%$; ($\chi^2=5,53$, $p=0,048$) (расм 1).



Расм 1. Даволашдан олдин таққослаш гуруҳларида оғиз бўшлиғи симптомларининг клиник кўриниши (%).

Асосий гуруҳда тизимли симптомлар ҳам кучлироқ ифодаланган:

эпигастрал оғриқ- $n_1=83,3\%$; $n_2=77,3\%$; $n_3=5,0\%$; ($\chi^2=32,64$, $p<0,001$),
 умумий ҳолсизлик- $n_1=91,7\%$; $n_2=86,4\%$; $n_3=10,0\%$; ($\chi^2=38,58$, $p<0,001$),
 жиззакилик- $n_1=87,5\%$; $n_2=77,3\%$; $n_3=10,0\%$; ($\chi^2=31,28$, $p<0,001$) (расм 2).



Расм2. Даволашдан олдин таққослаш гуруҳларида умумий симптомларнинг клиник кўриниши (%).

Асосий гуруҳдаги беморларда КПО индекси назорат гуруҳига нисбатан 2,01 марта ($p < 0,01$) ва таққослаш гуруҳига нисбатан 1,21 марта ($p < 0,01$); кариес (К) - 2,56 марта ($p < 0,01$) ва 1,18 марта ($p < 0,01$); пломбаланган тишлар (П) - 1,88 марта ($p < 0,05$) ва 1,25 марта ($p < 0,05$); олиб ташланган тишлар (О) - 1,85 марта ($p < 0,01$) ва 1,21 марта ($p < 0,01$); понасимон нуқсон - 4,32 марта ($p < 0,001$) ва 1,57 марта ($p < 0,001$); эмал эрозияси - 4,78 марта ($p < 0,001$) ва 1,75 марта ($p < 0,001$); тишларнинг емирилиши - 2,69 марта ($p < 0,01$) ва 1,47 марта ($p < 0,01$); ОНI-S - 3,05 марта ($p < 0,001$) ва 1,11 марта ($p < 0,001$); SBI - 13,38 марта ($p < 0,001$) ва 1,17 марта ($p < 0,001$); ПЧ, ПИ ва РМА назорат гуруҳида йўқ бўлса ҳам, аммо асосий гуруҳда 1,10 баравар ($p < 0,001$), 1,22 баравар ($p < 0,001$) ва 1,12 баравар ($p < 0,001$) ошди, бу сурункали панкреатитда кариоз ва пародонтал бузилишларнинг кучайишини таъкидлайди.


Асосий гуруҳ беморларида биокимёвий ва гематологик кўрсаткичларни таққослаш барча гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатди. Мустақил танланмалар учун Студентнинг t -мезони натижаларига кўра статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланди: назорат-таққослаш ($p_1 < 0,001$), назорат-асосий ($p_2 < 0,001$) ва асосий-таққослаш ($p_3 < 0,001$), бу қўшма патологиянинг кучли тизимли таъсиридан далолат беради. С-пептид - 2,30 марта ($p_2 < 0,001$) ва 1,35 марта ($p_3 < 0,001$); лейкоцитлар - 1,36 марта ($p_2 < 0,001$) ва 1,16 марта ($p_3 < 0,001$); алфа-амилаза - 8,24 марта ($p_2 < 0,001$) ва 18,89% га ($p_3 < 0,001$); калций - 8,29% га ($p_2 < 0,001$) ва 1,08% га ($p_3 < 0,001$); умумий

оқсил - 10,51% га ($p_2 < 0,001$) ва 3,66% га ($p < 0,001$); албумин - 9,46% ва 1,73% га ($p_3 < 0,001$); витамин С - 24,71% ($p_2 < 0,001$) ва 13,62% дан юқорига ($p_3 < 0,001$); витамин Д - 28,51% ($p_2 < 0,001$) ва 9,16% га ($p_3 < 0,001$); темир - 42,30% ($p_2 < 0,001$) ва 11,35% га ($p_3 < 0,001$); гемоглобин - 9,09% ($p_2 < 0,001$) ва 6,25% га ($p_3 < 0,001$); ҚФТВ - 22,27% ($p_2 < 0,001$) ва 8,38% ($p_3 < 0,001$); фибриноген - 2,56% ($p_2 < 0,001$) ва 20,36% га юқори ($p_3 < 0,001$), бу қўшма патологияда яллиғланиш, метаболик ва коагуляция бузилишларнинг кучайишини тасдиқлайди.

Асосий гуруҳдаги копрологик ўзгаришлар мальабсорбция (стеаторея, креаторея, углеводлар ҳазм бўлишининг бузилиши) ва ичакда яллиғланишни акс эттириб, бу эса сурункали панкреатитда панкреатик ферментларнинг етишмовчилиги ва билиар дисфункция билан изоҳланади ҳамда пародонтитда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар билан тизимли яллиғланиш ҳолатини чуқурлаштиради ($p < 0,05$). Асосий гуруҳда ёғ кислоталари 2,25 баравар (62,5%) ++/+++ назоратдаги 0% га нисбатан ($\chi^2 = 26,27$, $p = 0,000$), нейтрал ёғ - 3,07 баравар (100%) ++/+++/++++, ($\chi^2 = 67,45$, $p = 0,000$), ҳазм бўлмайдиган толали модда - 11,66 баравар (85,6%) ++/+++/++++, ($\chi^2 = 46,22$, $p = 0,000$), крахмал - 3,67 баравар (62,5%) ++/+++ ($\chi^2 = 22,27$, $p = 0,000$), шиллиқ - 1,53 баравар (20,8%) ++ қиёсий гуруҳдаги 13,6% га нисбатан ($\chi^2 = 8,75$, $p = 0,05$), рН - 1,27 баравар ($\chi^2 = 129,12$, $p = 0,06$) кўтарилган. Таққослаш гуруҳига нисбатан крахмал 3,71 марта (16,7% +++ қарши 4,5%), шиллиқ - 1,53 марта юқори эди. Ҳазм бўлмаган мушак толалари бўйича фарқларнинг йўқлиги ($p = 0,181$) компенсатор механизмлар билан боғлиқ. Ушбу маълумотлар ошқозон ости беши дисфункцияси туфайли юзага келадиган мальабсорбция ва яллиғланишни тасдиқлайди.

Оғиз суюқлиги ва пешобнинг метаболик маркерлари яллиғланиш, алвеоляр суякнинг деструкцияси, мальабсорбция ва билиар дисфункция туфайли сурункали пародонтит ва СП комбинациясида сезиларли бузилишларни кўрсатади. Оғиз суюқлигида калций ва α -амилазининг камайиши копрологик стеаторея ва Д витаминининг 28,51% га пасайиши ($p_2 < 0,001$), ИФ ва пролиннинг кўпайиши эса коллаген катаболизми ва холестазаининг кучайиши билан боғлиқ. Пешобда калций ва оксипролин миқдорининг ошиши СПда тизимли бузилишлар билан кучайган суяк резорбциясини кўрсатади. Статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар (p_2 , $p_3 < 0,05-0,001$) пародонтитда метаболик бузилишларнинг кучайишида СПнинг патогенетик ролини тасдиқлайди. Асосий гуруҳдаги беморларнинг оғиз суюқлигида калций даражаси назорат гуруҳига нисбатан 44,39% га ($p_2 < 0,05$), α -амилаза - 29,65% га ($p_2 \geq 0,05$) камайган бўлса, ишқорий фосфатаза (ИФ) 147,04% га ($p_2 < 0,001$), пролин - 21,54% га ($p_2 < 0,05$) ошди, таққослаш гуруҳига нисбатан сезиларли фарқлар кузатилди (калций ва пролин учун $p_3 < 0,05$, ИФ учун $p_3 < 0,001$). Пешобда калций

назоратга нисбатан 36,36% ($p_2 < 0,001$), оксипролин - 25,93% ($p_2 < 0,05$) га ошди, таққослаш гуруҳига нисбатан фарқлар кузатилди (мос равишда $p_3 < 0,001$ ва $p_3 < 0,05$) (расм 3). Ушбу ўзгаришлар пародонт тўқималарининг деструкцияси, суяк резорбцияси, яллиғланиш ва мальабсорбцияни акс эттиради, СП билан кучаяди, бу эса копрологик маълумотлар билан тасдиқланади (стеаторея: $\chi^2 = 67,45$, $p = 0,000$; креаторея: $\chi^2 = 10,72$, $p = 0,003$).





А

Б

Расм 3. Сурункали периодонтит билан оғриган беморларда даволашдан олдин экзокрин панкреатик етишмовчилик фонида оғиз суюқлиги (А) ва пешобдаги (Б) маркерлар ҳолати.

СП ва пародонтитда тизимли яллиғланиш, мальабсорбция, суяк резорбцияси ва гиперкоагуляция синергизми пародонтал деструкцияни кучайтирувчи патогенетик тўрни шакллантиради. С-пептид, лейкоцитлар ва фибриногеннинг кўпайиши билан акс эттирилган тизимли яллиғланиш остеокластларни рағбатлантирувчи яллиғланишга қарши цитокинларни фаоллаштиради ва альвеоляр суякнинг парчаланишига олиб келади, бу эса оғиз суюқлигида ошган ИФ билан корреляцион боғлиқлигини ($r = 0,72$) кўрсатади. Мальабсорбция кальций ва витамин Д сўрилишини бузади, суяк резорбциясини кучайтиради (пешоб Ca: $0,4 < p < 0,55$). Дисбактериоз ва ичак яллиғланиши (шиллик, нажас лейкоцитлари) тизимли яллиғланишни кучайтиради, билирубин даражасини оширади ва антиоксидант ҳимояни пасайтиради (витамин С: $p = -0,73$).



А

Б

Расм 4. Сурункали панкреатитда қон (А) ва оғиз суюқлиги (Б) биокимёвий кўрсаткичларининг пародонтнинг клиник кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлиги.

Гиперкоагуляция (фибриноген: $p=0,71$) пародонтда микротомир бузилишларини келтириб чиқаради, деструкцияни кучайтиради. Қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари пародонтнинг клиник кўрсаткичлари билан ўрганилганда, пародонтит ва СП билан боғлиқ тизимли яллиғланиш жавобини кўрсатадиган қон маркерлари (С-пептид, лейкоцитлар, фибриноген, α -амилаза, С витамини) ва пародонтал параметрлар (ОHI-S, SBI, PI) ўртасида кучли ижобий корреляциялар ($0,71 < p < 0,83$) аниқланди. Ушбу жараёнлар ўзаро боғлиқ бўлиб, яллиғланиш ва метаболик бузилишларнинг нотўғри доирасини шакллантиради, бу эса комплекс давони талаб этади (расм 4).

Қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари билан оғиз суюқлиги ва пешоб маркерларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш кучли корреляцияларни аниқлади: С-пептид билан оғиз суюқлиги ИФ ($p=0,68$), лейкоцитлар билан С-пептид ($p=0,82$), фибриноген билан оғиз суюқлиги ИФ ($p=0,69$), бу тизимли яллиғланишнинг маҳаллий бузилишлар билан боғлиқлигини таъкидлайди. Оғиз суюқлигида ИФнинг ошиши ($p=0,72$ SBI билан) СПда альвеоляр суякнинг остеокластик деструкциясини акс эттиради. Пешобдаги Са нинг С-пептид, фибриноген, С витамини ($0,46 < p < 0,62$) ва оғиз суюқлиги ИФсининг лейкоцитлар билан ўртача корреляцияси ($0,53 < p < 0,71$) суяк резорбцияси ва мальабсорбциясидан далолат беради.


